

Сийрат дарслари (29-дарс)



13:30 / 20.04.2019 5746

169. Усома ибн Зайд розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Бадр воқеасидан сал олдинроқ Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам фадакий чопонни солиб, эшакка миндилар. Орқаларига Усома ибн Зайдни мингаштириб, Бану Ҳорис ибн Хазраж(қавми)га Саъд ибн Убодани кўргани бордилар. У зот Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул ўтирган мажлисдан ўтдилар. Бу, Абдуллоҳ ибн Убай Исломга киришидан олдин бўлган эди. Мажлис мусулмонлар, мушриклар, бутпарастлар, яҳудийлардан иборат – аралаш эди. Ўша мажлисда Абдуллоҳ ибн Равоҳа ҳам бор эди. Ҳайвон тўзитган чанг мажлисга етиб борганда Абдуллоҳ ибн Убай бурнини ридоси билан тўсди ва: «Чангитмасанглар-чи!» деди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам уларга салом бердилар. Тўхтаб, тушдилар ва уларни Аллоҳга чақириб, Куръон ўқиб бердилар. Шунда Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул: «Ҳой одам!

Агар айтаётганинг ҳақ бўлганда ҳам, яхшилиги йўқ. Мажлисимизда бизга озор берма. Юкинг олдига қайт. Ким олдинга борса, ўшанга қиссангни айт», деди. Абдуллоҳ ибн Равоҳа эса: «Эй Аллоҳнинг Расули, мажлисларимизга (ваъз билан) келиб туринг, биз буни яхши кўрамиз», деди.

Шунда мусулмонлар, мушриклар ва яҳудийлар сўкишиб кетишди. Уришиб кетишларига оз қолди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳай-ҳайлаб юриб, зўрға тинчитдилар. Сўнгра Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уловларини миниб юриб кетдилар. У зот бориб, Саъд ибн Убоданинг олдига кирдилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: «Эй Саъд! Абу Ҳабобнинг (Абдуллоҳ ибн Убайнинг) нима деганини эшитдингми? Бундай-бундай деди», дедилар. Саъд ибн Убода: «Эй Аллоҳнинг Расули, уни афв этинг ва кечиринг. Сизга Китобни туширган Зот ила қасамки, Аллоҳ сизга нозил қилган ҳақни келтирганда ушбу ернинг аҳли унга тож кийдиришга ва салла ўратишга келишган эди. Аллоҳ сизга берган ҳақ билан буни истамагандан кейин у бунга ҳасад қилди. Шунинг учун, сиз кўрган нарсани қилган», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни афв қилдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг саҳобалари мушриклар ва аҳли китобларни Аллоҳ уларга амр қилганидек афв этар ва озорларига сабр қилар эдилар. Аллоҳ азза ва жалла айтган: «Албатта, сиздан олдин китоб берилганлардан ва ширк келтирганлардан кўплаб озор эшитасиз». Ва Аллоҳ: «Аҳли китоблардан кўплари уларга ҳақ равшан бўлганидан кейин ўзларича ҳасад қилиб, сизларни иймонли бўлганингиздан кейин кофирликка қайтармоқчи бўладилар», деган.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ у зотга амр қилганидек афв қилар эдилар. Аллоҳ Бадрда у зот ёрдамида Қурайшнинг кофир катталарини қатл этганда Ибн Убай ибн Салул ва у билан бирга бўлган мушриклар ва бутпарастлар: «Бу иш буй кўрсатиб қолди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Ислом байъати қилинглари», деб мусулмон бўлишди».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Бу - Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан